

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 5 (201) 2012 YIL, MAY ISSN-2010-9393 1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Хотира – абадий, кадр – муқаддас

Институтда хотира турнири

Инсон хотира билан тирик, кадр билан улуг. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига даҳлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намоеън этиб келмоқда.

Институтимизда ҳам Хотира ва кадрлаш кунига бағишлаб бир қатор тадбирлар уюштирилди. Хотира тур-

нири спорт мусобақаларида профессор-ўқитувчилар ва талабалар фаол иштирок этдилар. Айниқса футбол мусобақалари кизиқarli бўлди. Турнир ғолиблигини жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети жамоаси қўлга киритган бўлса, бошланғич таълим педагогикаси факультетига иккинчи, тарих факультетига учинчи ўрин насиб этди.

Турнир ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бизга ибрат, бизга азиз инсонлар

Хотира ва кадрлаш! Бу икки сўзни эшитганда, ҳар бир инсоннинг қалби жунбушга келади. Дарҳақиқат, хотира бу – ўтган аждодларимизни ёд этиш, эслаш, улардан қолган маънавий меросимиз билан яна бир бор танишиш, уларнинг буюк сиймоларини кўз олдимиздан ўтказиш бўлса, кадрлаш эса, ҳозирги кунда ҳаётда яшаётганларни асраб-авайлашдир.

Инсоният бошига улкан кулфат келтирган жаҳон урушидан кимлардир ногирон, касалланд бўлиб қайтди. Улар бизнинг ҳаётимиздан "Буюк ўтмиш ватанпарварлари" деб жой олади. Шунинг учун уларнинг муборак қадамжоларини зиёрат қилишимиз, шу билан бирга тирикларни асраб-авайлаш бугунги кундаги қилиниши зарур бўлган савоб ишларимиздир. Бундай хайрли ишлардан бизнинг институтимиз жамоаси ҳам четда эмас. Жумладан биз – «Тасвирий санъат ва меҳнат таълими» факультетининг меҳнат таълими йўна-

лиши I-босқич талабалари Бахмал туманининг Мўғол қишлоғида яшовчи 2-жаҳон уруши иштирокчиси Жуман ота Эргашев хонадонидан бўлди. 99 ёшни қоралаган Жуман ота 80 нафар фарзанди, неварани, чеварани ва эваралари ардоғида!

Отани Хотира ва кадрлаш кунини билан табриклаб, унинг ишларига қарашдик, 20 туп мевали дарахт, 50 туп гул кўчати ўтказдик.

Уй соҳиби хурсанд бўлиб, бизларни дуо қилдилар.

И. АТАБЕКОВ,
меҳнат таълими йўналиши I-босқич талабаси



Хурматли юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган ва халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олган 9 май – Хотира ва кадрлаш кунининг мамлакатимизда кенг нишонланиши бу азиз ватанда инсон меҳнати доимо эъзозли эканлигидан дарак беради.

Мен ўзимнинг қарийб 40 йиллик фаолиятимни Жиззах Давлат педагогика институтидан олиб бордим. Институт мен учун муқаддас даргоҳ. Мен ўз бахтимни шу ерда топдим, саккизта фарзандимни

турдилар. Мен ўз севган жамоамга қутлуг, умумхалқ байрамидан арафасида сеvimли газетамиз "Зиё чашмаси" орқали ўз миннатдорчилигимни изҳор этишга қарор қил-

Қадрлаган кадр топади

Ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Шарафли касбим туфайли жуда кўп дўстлар орттирдим. «Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади», деганларидек, кейинги икки йилдан буён беморлик ташвишларини кўрдим. Ана шундай оғир кунларда институтимиз ректори, профессор Олимжон Мусурмонович Дўсमतов раҳбарлигидаги жамоамиз, касабамиз уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси Комилжон Исаев, проректор Абдухамид Тангиров ва кўп дўстларимнинг меҳнат ва қўллаб-қувватлашлари билан аҳолимиздан хабардор бўлиб, керак бўлганда ҳам моддий ҳам маънавий мадад бериб

дим. Бу хурмат фақат менга эмас, балки институт жамоасида меҳнат қилиб ҳозирда қарилган гаштини сураётган ёки касаллик сабабли тўшақда ётган беморларга ҳам кўрсатилганлигидан хабардорман.

Sevimли жамоам ва меҳрибон раҳбарларимиз, вафодор дўстларим, кадрдонларим туфайли оллоҳ менга шифо берди, мен ҳозир ўзимни бардам ҳис қилаяман.

Тошпўлат АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбек тили ва уни ўқитиш услубияти кафедрасининг собиқ катта ўқитувчиси

Хабарлар, янгиликлар

«Ёш оилалилар» клуби

Педагогика-психология факультетидан «Ёш оилалилар» клуби ташкил этилди. Унда оилали талабалар ва оила қуриш оstonасида турган ёшларга керакли маслаҳатлар, оиланинг мустаҳкам омиллари ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Г. АҲМАДОВА

Қадимий шаҳарга саёҳат

Дефектология кафедраси ўқитувчиларининг ташаббуси билан мазкур йўналишда таълим олаётган талабаларнинг Ватанимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган кўҳна Самарқандга саёҳати уюштирилди.

Кафедрада таълимда алоҳида натижаларга эришган талабалар учун республикамизнинг тарихий масканлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш аънава тусини олаятди.

Х. МУЗАФФАРОВ

Сиз ёшларга ибратсиз!

Институт талабаларининг иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари – Жиззах шаҳрининг Ўратепалик маҳалласидан Мусажон Йўлдошев, Тошкентлик маҳалласидан Пўлат Қосимов, Ў. Ҳотамов жамоа хўжалигидан Хайдар Эгамқуловлар билан учрашувлари уюштирилди. Уруш қатнашчиларининг ҳикоялари талабалар хотирасида ўчмас из қолдирди.

Тадбир иштирокчилари томонидан фахрийларимизга эсдалик совғалари топширилди.

Г. ХУДОЙНАЗАРОВ

Оилам – қутлуг боғим

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси «Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти» кафедраси ҳамда «Ёш адабиётшунос» тўғараги ҳамкорликда «Оила – менинг қутлуг боғим» мавзусида шеърлар танловини ўтказди.

Танловда энг яхши деб топилган ижод намуналарини матбуотда чоп этишга тавсия этилди.

Ю. АҲМЕДОВА

Ҳар биримиз огоҳ бўлайлик

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасида амалиёт ўтаётган Республика ички ишлар вазирлиги академияси тингловчилари институтимиз талабалари билан учрашишди. Учрашув «Огоҳлик – давр талаби» деб номланди. Унда гиёҳвандликка қарши кураш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишда талаба-ёшларнинг вазифаларига кенг тўхталди.

М. АЛИҚУЛОВ

Соғлом турмуш тарзи учун

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси етакчи мутахассислари талабалар иштирокида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари бўйича тадбир ўтказишди. Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим мудири Б.Жўраева, «Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш» бўлими вакили Д.Жамолова талабаларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Б. ҚУДРАТОВ

Назарий билимлар – амалиётга

Институтимиз 4-курс талабалари бакалаврият ўқув режасига асосан назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказмоқдалар.

Педагогик амалиётда 9 та факультет, 28 та кафедрадан 209 нафар услубчи-ўқитувчи, 18 та йўналишдан жами 1438 нафар талаба қатнашмоқдалар.

Педагогик амалиёт давомида Жиззах шаҳри ва туманидаги умумтаълим мактаблари, вилоят касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари, психологик марказлар, махсус мактаблар, мактабгача таълим муассасалари мутасаддилари талабалар ва услубчи-ўқитувчиларга катта амалий ёрдам кўрсатишмоқдалар.

Сўрашларда: (чапдан) институтнинг услубчи-ўқитувчиси, кимё фанлари номзоди Ғолиб Даминов шогирди, талаба Замира Шамуратова билан амалий машғулот чоғида; Жиззах туманидаги Содиқ Элмуродов раҳбарлик қилаётган 23-умумтаълим мактабидан кимё йўналиши талабаси З. Шамуратова педагогик амалиётда дарсда.





Давлатнинг тинчлиги, фаровонлиги, ҳар томонлама юксалиши, дунё ҳам-жамиятидаги тутган ўрни – бу шуб-хасиз шу мамлакат аҳолиснинг маъnavий бойлиги даражасига боғлиқ. Маъnavий бойликларга ота-бобларимиздан мерос сифатида бугунги кунгача асраб келинаётган миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз, турли соҳаларга оид бўлган илмий, бадий асарлар, қўлэмалар киради.

лар ўтиб кетаверади. Биз эса ҳаёт йўлимиздаги ҳар бир сониядан унумли фойдаланиб, ўзгаларга яхшилик ва эзуликлар улаша олишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зеро, ортга боққанимизда афсуслар эмас, балки шукроналик ҳислари бизга ҳамроҳ бўлсин.

Ҳар бир инсон бу ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун доимо илм олишга, Ватан тараққиёти ва юрт фаровонлигига муносиб

Сўзни жонловлаш санъати

Муҳаммад Юсуф хотирасига

Аждодларимиздан бизга улкан маъnavий озуқа қолган, десак асло муболага бўлмайди. Шу жумладан, адабиёт соҳасида жуда катта натижаларга эришилган. Жумладан, Ибн Синонинг ҳозирги кунда ҳам бутун дунёда қўлланиладиган "Тиб қонунлари", Берунийнинг "Геодезия", Амир Темурнинг "Темур тузуклари", З. М. Бобурнинг "Бобурнома" асарлари юксак маъnavиятга йўғрилган асарлардир.

Нафақат ўтмишимизда, балки бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда бетакрор ижод соҳиблари жуда кўплаб топилди. Бу борада гўзал шеърлар соҳиблари Муҳаммад Юсуф номи алоҳида тилга олиш жоиздир. Шоирнинг ижод намуналари соддалиги, ҳаётлиги, мазмундорлиги билан инсон қалбига чуқур кириб боради. Шоирнинг:

**Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар кўз ёши самони,**

**Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур,**

мисраларида улкан маъно мавжуд. Яъни, умр ўтаверади, аммо инсондан фақатгина яхшилик, яхши ном ҳамда меҳр қолиш кераклиги таъкидланади. Ижодкорнинг кўпгина шеърларида ҳаёт аталмиш тушунчага юксак даражада урғу берилган. Ҳар гал йил сўнгидега ўтиб бораётган йилни сарҳисоб қилганимизда шоирнинг "Янги йил" шеъри ёдимга тушади. Шунингдек

Кўнгил маънос

тортди йилнинг сўнгидега

Билмам, ниманг

билан сеҳрладинг қор?

Бугун куппа-кундуз

қуни, кўзим ўнгидега

Яна бир ёшимни

ўғирладинг, қор.

Ушбу мисраларни ҳар сафар ўқиганимизда умр тўғрисида янада чуқурроқ ўйга толаман. Дарҳақиқат, кунлар, кунлар кетидан ойлар, ойлар кетидан йил-

хисса кўшишга, аждодлардан қолган миллий меросини чуқур ўрганиб, унга янада сайқал бериб авлодларга етказишга ҳаракат қилишининг ўзи – юксак маъnavиятдир.

Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Лекин шундай бўлсада, ундан чинакам, бетакрор ижодий, маъnavий мерос қолди. Ҳақиқий маънодаги барҳад-ётлик, завол билмаслик Муҳаммад Юсуф ижодида тааллуқли. У ўз фикрларини ва уни ифода этувчи сўз ва ибораларни жонловлаб, ўз мақсади йўлида бўйсундириш санъатини эгаллаган ижодкор эди.

Шундай экан, ҳар биримиз маъnavий жиҳатдан юксак бўлган ушбу ижодий намуналардан тўлиқ баҳраманд бўлишимиз лозим.

**Азиза АҲМЕДОВА,
педагогика-психология
йўналиши 2-босқич
талабаси**

МАЪNAVИЯТ Киз одоби – олтин тарози. Унда миллатнинг ори, номуси, шайни ва гурури яширинган бўлади. Ҳар бир ҳатти-ҳаракатларимизда, ифрату назокатимизда умрбоқий қадриятларимиз ва урф – одатларимиз бўй кўрсатиб туради. Ҳар гал киз одоби ҳақида ўйлаганимизда машҳур адабиётимиз, сўз зарғари Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романлари, уларнинг бош қаҳрамонлари Отабек билан Кумуш, Анвар билан Раъно гавдаланади.

**Агар Фарҳоднинг Ширин,
Бўлса Мажнунларнинг Лайлоси.**

Насиб ўлмиш менга

Гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Ёзувчи тўғри эътироф қилганидек, хулқу одоб ифрату назокат, шарму-ҳаё бобида Раъно чиндан-да ҳаёт гулларининг раъносини эслатади.

Назаримизда бизнинг кунларимизга келиб, машҳур адиб талқинидаги гўзал инсоний фазилатлар олами бирмунча хира тортганга ўхшайди. Бу ҳолни эҳтимол онгу шуурнинг шитоб билан ўзгараётгани, техника тараққиёти юксак чўққига чиқиб, ахборот олами ҳаддан зиёд кенгайгани билан изоҳлаш ўринлидир. Лекин нима бўлганда ҳам, биз ўзимизни буюк аждодлар вориси, маъnavият илдизи бақувват халқнинг фарзандлари эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Баъзан кўча-кўйда ярим очиқ кийинган, эгнига европача андозадаги либосларни олиб олган, атрофдаги кексаю ёшга беписанд, эътиборсиз муносабатда бўлиб, ўзини кўз-кўзлашга уринаётган замондошларимизни учратиш қоламиз. Уларнинг беўхшов қилиқлари, хиринглаб қилишлари алмоий-алжойи сўзлашлари гашингизни келтиради. Бу ҳол айниқса бозорларда, томоша жойларида, жамоатчилик орасида кўп учраётгани кишини ажаблантиради.

Кунларнинг бирида Жиззах шаҳри бўйлаб қатнайдиган миттаивтобусларнинг бирига чиқдим. Йўловчилар ўриндиқларни банд қилишган.

Орқада икки қизнинг ўзаро суҳбати эътиборимни тортди. Улар қўл телефонини бири-бирдан тортиқлаб, гап талаштирдилар.

- Ануш, бақа ол ўзим бир боппай ўша суетини.

- Ўл, мани йигитиму, нега суетей дейсан?

- Жа, зарил қоптими? Мана қараб тур, ўшанингни тортиб олмасамми?!

- Э, тур, санга қолдимми?

У дугонасига аччиқ қилиб "э, боре!" дедида телефонни ўчириб қўйди. Ҳаял ўтмай телефон қайта жиринглади.

- Уф-ф, то мени кўрмаса тинчимайди.... У телефонни бутунлай ўчирди.

Дугоналар кўнгирак қилган йигит билан қандай муносабат қилиш юзасидан бири-бирига маслаҳат бера бошладилар. Шу дара-

жада баланд овоз билан гаплашишар эдики, бошқа йўловчиларнинг шофёрга "тўхта-тинг" дегани ҳам эшитилмасди.

Балки одоб доирасидан чиқиб, жамоатчиликда ёмон таассурот қолдираётганликлари қизларнинг ўзига билинмас. Лекин четдан қараган кишига бу ҳол эриш туюлади. Ўзбек қизларининг ўзларини бундай туттишлари ҳеч кимга, табиийки менга ҳам ёқмади. Қиз бола бўлганимдан уялиб кетдим. Ёши йигирмадан ошмаган дугоналарнинг ўз қадрини ерга уриб, кимларгадир эрмак бўлиб юриши нафратимни кўзгади. Манзилга етмаёқ машинадан тушиб қолдим...

Бундай воқеалар болалаб кундалик оддий ҳолга айланиб қолаётгани кишини афсуслантиради. Оғзида сақич, ўзини томоша майдонига солиб, ажнабий сўзларни билиб-билмай қалаштириб сўзловчи тенгдошларимизни кўрганимизда ростки, раҳимини келдиришга бергусиз қадриятларимиз, жарангдорликда тенги йўқ тилимиз, имкониятлардан ўринли фойдалана олмаслигимиз - маданиятсизлик белгиси. Сиз бунга нима дейсиз?

**Сожида АБДУЛАКИМОВА,
бошланғич таълим ва спорт
тарбиявий иш йўналиши
1-босқич талабаси**

Табиат ва инсон

Экологик муаммони

ҳам ўйлашимиз керак

Жиззах вилояти ўзининг ўсимлик дунёсига бойлиги билан бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Ўсимликлардан турли мақсадларда: саноатда, қишлоқ хўжалигида, озиқ-овқатда, табобатда, қурилишда ва бир қанча йўналишларда фойдаланилади.

Ушбу мақолада Жиззах вилоятида учрайдиган, "Қизил китоб"га киритилган ноёб ва камёб ўсимликлар ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Жиззах вилояти худудида тарқалган ва "Қизил китоб"га киритилган турлар куйидагилар ҳисобланади:

1. Оқ парпи
2. Кнорринг астрагал
3. Патсимон астрагал
4. Руфак астрагал
5. Белолипов астрагал
6. Келлер астрагал
7. Нимранг пушти окситропс
8. Қоратоғ чалови
9. Бошмалдоқсимон нонея
10. Олга штубендорфияси
11. Қардошли лола
12. Аралаш пиёз
13. Исоқул пиёз
14. Безчали зўрча
15. Нор ширач
16. Оқгулли ширач
17. Малигин балиққўзи
18. Олга бозулбанги
19. Тўмтоқ марматак
20. Учпояли оқтўша
21. Кўримсиз кўриқулоқ
22. Яшил анура
23. Жиззах карраги
24. Шубҳали каррак
25. Наштарсимон сerratула
26. Нурота ўлмасўти

олинган, яъни "Нурота", "Зомин" кўриқхоналарида муҳофаза қилинади ва айримлари Русанов ва Ботаника боғларида ўстирилмоқда. Лекин ҳеч қандай муҳофазага олинмаган ва табиий ҳолда ўсиб келаётган турлар ҳам бор. Масалан, Жиззах кавраги, Патсимон астрагал, Федченко кавраги, Малиган балиққўзи ва Шубҳали каррак каби ўсимликлар шулар жумласидандир.

Вилоятимиз худудларида ўсадиган ва "Қизил китоб"га киритилган ўсимликлар сони анча кам, улар маълум жойларда тарқалган, тўп-тўп ёки якка-якка ҳолда ўсишга мослашган. Масалан, Бошмалдоқсимон нонея бутунлай йўқолиб кетган эндемик тур ҳисобланади.


Ушбу ўсимликларнинг бунчалик камайиб кетишига асосий сабаб қилиб: саноат корхоналари ва бошқа қурилишлар олиб борилиши натижасида, одамларнинг ерларда хўжалик ишларини юритиши туфайли, чорва молларининг кўплаб боқилиши ҳисобига, маҳаллий аҳоли томонидан дориворлиги туфайли кўплаб терилишини мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин. Лекин антропоген таъсирдан бошқа табиий муҳитнинг салбий таъсири натижасида ҳам камайиб бораётган турлар борлиги аниқланган. Ўсимликларнинг йўқолишига сабаб бўлаётган ҳолатларга барҳам берсак, шундагина



Ушбу ўсимлик турлари кўпинча арчазорларда, майда-жинс тупроқли ва тошли жойларда, шағал тошли ерларда ўсишга мослашган.

Жиззахнинг ноёб ўсимликлари асосан Тяньшан, Нурота, Моргузар, Туркистон тоғ тизмаларида ва айнан тоғларнинг юқори қисмида тарқалган ва ўша худудда ўсишга мослашган.

Юқоридаги ўсимликлардан кўплари муҳофазага



ноёб ўсимликлардан келажак авлод ҳам баҳраманд бўлишига эришган бўлар эдик.

Жиззахнинг ноёб ва камёб ўсимлик дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг асосий бурчимиздир...!

**Суннат НОРҚУЛОВ,
биология йўналиши
2-босқич талабаси**

«Авесто» таълим беради

Гулмира РАЙИМКУЛОВА, дефектология йўналиши 2-босқич талабаси

Фарзанд азиз, ammo илму-одоби ундан ҳам азиз. Шу боис фарзандлар тарбияси ўзбек халқи дунёқарашда ва барча замонларда жамият учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб келган. Тарихга мурожаат қилсак, кўча ва мўътабар қўлзмамиз, миллий маънавиятимизнинг олис ёғдуси бўлмиш «Авесто»да «ер юзининг энг шоду хуррам макони бу иймон ва фарзандлар бор макондир», дейилади.


«Авесто»да оила, соғлом авлоднинг пайдо бўлиши, бениқсон наслнинг туғилиши учун зарур бўлган соғлом турмуш тарзи, наслнинг соғломлиги, зурриётнинг покизалиги, унинг ақлий, рухий, ахлоқий, жисмоний, маънавий-хуқуқий тарбияси хусусида қайғуриш биринчи ўринга қўйилган.

«Авесто»да «Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару-мамлакатим шухратини дунёга кўз-кўз қиладиган ўқимишли, ишбилармон, соғлом ўғлон бер» дейилган. Муҳими шундаки, эркак киши уйланиши ва

зурриётли бўлиши учун аввало моддий ва маънавий томондан тўқ, жисмонан бақувват, руҳан ва жисман бениқсон бўлиши керак. Инсон ўз ҳаёт йўлини танлар экан, зиммасига олган мажбурият ва оилавий бурчни бажаришга масъулдир.

Зардуштийликда нуқсонли фарзанд туғилишини олдини олиш мақсадида амалий моҳиятга молик мулоҳазалар юритилган. Жумладан, фарзанднинг соғлом туғилиши учун ҳомиладор аёл ортиқча ҳаяжонланмаслиги, изтиробга тушмаслиги, фақат ҳалол лўқма ейиши лозим, деб ҳисобланган ва уларга муттасил хурмо, анор, узум, анжир истеъмол қилиб юриш буюрилган.

Қадимги «Авесто»нинг таълими бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Биз бўлажак педагоглар бу муқаддас китобдан ўз фаолиятимиз давомида фойдалансак мақсадга мувофиқ бўларди.



Ой билан ер ўртасидаги масофага тенг саёҳат

Инглиз сайёҳи Жеймс Кук ҳақида эшитган ва китобларда ўқиган бўлсангиз керак. Жеймс Кук дунё бўйлаб амалга оширган 3 саёҳати давомида Ер билан Ой ўртасидаги масофани босиб ўтган ва кўплаб кашфиётлар яратган.

Ориф ЭРГАШЕВ, география ва ИБА йўналиши 2-босқич талабаси

Жеймс Кук 1728 йил 28 октябрда Англиянинг Кливленд округидаги Мартан қишлоғида туғилган. У оилада 9-фарзанд эди. У 13 ёшида кўмир ташувчи кемада боцман бўлиб ишлайди. 1755 йили Лондондаги ҳарбий флотга киради. 1756 йилда «Игл» ва 1758 йили «Пембрак» кемаларида ишлайди.

Тўғри, XVIII асрда кишиларнинг дунё бўйлаб саёҳатга чиқиши ҳайратланарли эмас эди, лекин шунга қарамай у вақтларда кўпгина жойлар, китъа ва океанлар яхши

лум денгиз ва ороллари кўлга крититиш мақсадида йўлга чиқди. Экспедиция 1769 йил январда Жанубий Американинг Горн бурнидан айланиб ўтиб, 13 апрелда Тану оролига етиб келади. Сўнг Полинезиянинг Тонга, Фиджи ороллари ва Янги Зеландия ороллари очиб, харитага туширади. Сўнгра Австралиянинг шарқий қирғоқлари, Тимор ва Ява ороллари кашф этади. Экспедиция 14 мартда Африканинг Кейптаун шаҳрига ва 13-июлда Англияга қайтиб келади. Жеймс Кукнинг биринчи саёҳати 2 йилу 10 ой давом этади.

Жеймс Кукнинг иккинчи саёҳати 1772 йил 13 июлда бошланади. Бу экспедиция 137 кишилик «Резолюшн» ва 91 кишилик «Адвентур» кемаларида бўлиб, мақсади номаълум китъани кашф этиш ва уларни Англияга қўшиб олиш эди. Бу икки кемага Жеймс Кук капитан этиб сайланади.

1773 йилнинг 16 майида кемалар Янги Зеландияга етиб келади ва Тумату архипелагидаги Маржон, Гаити, Тонго ороллари тадқиқ этади ва яна жанубий кутб томон йўл олади.

1774 йилда Кук шимолга юриб Пахиси ороллари текширади, сўнг янги ороллари кашф этади. Уни

«Янги Гибрид» ороллари деб атади. Жеймс Кук бундан ташқари Жанубий Георгий, Кларк, Сандвич ороллари кашф этади. Сўнг экспедиция Кейптаунга йўл олади ва 30 июлда Англияга қайтиб келади. Бу саёҳат 3 йилу 18 кун давом этади.

Жеймс Кукнинг дунё бўйлаб 3-саёҳати 1777 йили 12 июлда бошланади. Унда 112 кишилик «Резолюшн» ва 88 кишилик «Дискавери» кемалари иштирок этади. Экспедициянинг мақсади Тинч океанининг Шимолий муз океанига қўшилиш ерларини, Гудзон қўлтиғига ўтиш йўллари ва янги ороллари кашф этиш эди.

Экспедиция 24 декабрда Кергелен оролига, 1777 йил 26 январда Тасмания оролига келиб, шарққа йўл олади. Сўнг Монголия, Анту ороллари, Маржон, Рождество ороллари, 1778 йил январда Гаваи ороллари кашф этади.

1778 йил 7 мартда Америка қирғоқларига, 9 май Аляска қўлтиғи ва Кодяк оролига боради.

1779 йил февралда Жеймс Кук Гаваи оролларида қайтиб келади. Бу ердаги аҳоли Жеймс Кукни «Худо Лоно» деб кутиб олади ва унга катта ҳурмат-иззат кўрсатилади. Лекин Жеймс Кукнинг ҳамроҳлари ерли аҳолига анча зарар етказдилар. Натихада 1779 йил 14 февраль кун оролдаги аҳоли билан низо чиқиб, жанг бўлади. Жангда Жеймс Кук ва бир неча матрослар ҳалок бўлади.

1780 йил 4 октябрда омон қолганлар Англияга қайтиб келишади. Жеймс Кук дунё айлана 3 саёҳатида ой билан ер ўртасидаги масофага тенг йўлни босиб ўтди ва унинг саёҳатлари давомида тўплаган маълумотлари география фанининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ёмғирнинг туғилиши

Нурпўлат ХОЛМОНОВ, биология йўналиши 3-босқич талабаси



Бугунги кунда юртимизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг янада ривожланишига олиб келмоқда. Халқимизда фойдали ишнинг зарарли томони ҳам бор», деган гап юради. Тўғри, биз бирор иш бошласак унинг фақат фойдали томонини кўрамиз, зарарли томонларини ўйламаймиз.

Ҳозирги кунда Жиззах вилоятида сунъий балиқчилик фирмалари жадал ривожланиб бормоқда, бунинг натижасида юзлаб гектар майдонни сув бостириб сунъий қўл ҳосил қилинади. Бу эса балиқларнинг кўпайиши учун қўлай шарт-шароит ҳисобланади. Тўғри, бу Ўзбекистон иқтисодининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади, лекин бунинг зарарли жиҳатларини ҳам ўйлаш бизнинг бурчимиздир. Мисол учун, сув ҳавзаси атрофидаги майдоннинг намлиги ортиб ер шўрланади, натижада кўплаб ўсимликлар йўқолиб кетади. Маълум сабабларга кўра, сув ҳавзасида сув қуриб қолса у ердаги зарарли моддалар, зарарли тузлар аҳолига зарар етказмасмикан? Ҳўш, бундай ҳолатда Орол бўйи худуди билан бизнинг худуднинг қандай фарқи қолади? Бу – экологик муаммо тўғрисидаги биргина мисол ҳолос. Бу каби муаммолардан ҳалос бўлишимиз учун келажак авлодга жиддий эътибор ва экологик тарбия бериш зарур.

Бунинг учун радио тармоқларида экологияга оид радио ўйинлар ташкил этиш лозим. Радио ва ОАВ орқали турли эшиттиришлар, мақолалар бериш ижобий натижа беради. Мактабгача таълим масканларида экология курсини ташкил этиш, бола онгида, ижобий из қолдириш мақсадида фикримизни сюжетли роллар, сахна кўринишлари, кўргазмали қуроллар орқали сингдириб бориш керак. Шундагина экологик муаммоларнинг бироз орта чекинишига сабабчи бўламиз.

Дунё аҳолисининг кўпайиши

Шокиржон НЕЪМАТОВ, география ва ИБА йўналиши 2-босқич талабаси

Бирлашган Миллатлар Ташкилати экспертлари башоратиغا кўра 2025 йилга келиб ер юзиде 8,3 миллиард киши яшайди. Айна пайтда ер юзиде йилига 130 млн киши



туғилади ва 50 млн киши ўлади. Аҳоли сонининг ўсиши асосан Осиё, Африка, Латин Америкаси минтақаларига тўғри келади.

Аҳолининг борган сари ўсиши, дунёнинг кўпгина мамлакатларида озик-овқат етишмаслиги ва очарчилик муаммосига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳудудларга асосан Африка ва Қисман Осиё мамлакатлари тўғри келмоқда.

Демак, бундай муаммолар келиб чиқмаслиги учун нотекис тақсимланган дунё аҳолисини тартибга солиш, қолоқ мамлакатлар аҳолиси учун ривожланган давлатлар томонидан моддий ёрдамлар беришларни янада мукамалроқ амалга ошириш лозим.

Мустақиллик туфайли маданиятнинг бир қанча йўналишлари қайта тикланди ва ривожлантирилди. Маданият қадимги даврлардан бошлаб ривожланиб, такомиллашиб бизларга мерос бўлиб инсон психикасининг ривожланишида катта ўрин тутди.


Театр ва бола

Бобур ЁДГОРОВ, педагогика-психология йўналиши 2-босқич талабаси

Театрларда қўйиладиган сахна кўринишлари ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, тинчликсеварлик руҳида тарбиялайди. 7 ёшли бола сахнада кўрган асар қаҳрамонлари ўрнига ўзини қўйиб кўради, тақлид қилади, ўз ўзини англай бошлайди. 7 ёшли бола жуда қизиқувчан бўлиб, ҳар бир нарсани билишга ҳаракат қилади, сахна кўринишлари бола психикасини ҳам шакллантиради. Болаларнинг ўзларини ҳам сахна кўринишларида иштирок этишга тайёрлаб бориш лозим. Бундай иштирок бола ҳаракатларини фаоллаштиради, нутқини ривожлантиради, нарсаси-ҳодисалар юзасидан тўлароқ тушунарлар ҳосил қилади. Шу билан бирга унда сўзлашув маданияти, ўзини тутиш маданияти шаклланади. Бола сахнада ҳар хил ҳаракатлар қилиш орқали физиологик жиҳатдан ҳам ривожланади.

Ўз менталитетимизга тўғри келадиган сахна асарларидан фойдаланиб, ёш авлодни болалигидан ўз маданиятимизга содиқ қилиб тарбиялаш зарур.

Антибиотиклар фойдали, ammo...



Шаҳноза ОМОНОВА, дефектология йўналиши 1-босқич талабаси

Маълумки, замонамиз мана 20 йилдирки, тараққиёт сари жуда илдамлаб бормоқда. Ҳар соҳада бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам мисли кўрилмаган улкан ютуқларга эришилмоқда. Замонавий медицинада турли даволаш усуллари мавжуд. Гийҳлар, дамламалар, ҳар хил уколлар, антибиотиклар даво муолажасини кенгроқ олиб боришда ва самарали натижаларга эришишда қўлай воситалар саналади. Жумладан, антибиотикларга назар ташлайдиган бўлсак, антибиотиклар тўғри ишлатилганда жуда фойдали ва муҳим дорилардир. Улардан бактериялар сабабли келиб чиққан инфекциялар ва касалликларга қарши курашишда фойдаланилади. Барчага маълум антибиотикларга пенициллин, тетрациклин, стрептомицин ва левомицинлар кирди. Антибиотик сўзи лотинча «анти»-«қарши», «биотик»-«ҳаётий» деган маъноларни билдиради. Антибиотиклар организмдаги микроблар ҳаётига нуқта қўяди. Антибиотикларни қабул қилишдан аввал уларнинг яроқлилик муддатига, қачон тайёрланганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Антибиотикни фақат зарур бўлганда ва қандай ишлатилишини ҳамда қайси инфекцияга қарши эканлигини аниқ билган ҳолдагина қабул қилиш лозим. Агар антибиотик таблеткаларни ичиб, яхши натижага эришсак, ҳеч қачон уларнинг уқолини олмаслигимиз керак. Улар фақат тавсия қилинган микдордагина истеъмол қилиниши лозим. Антибиотик микдори беморнинг ёшига, вазнига боғлиқ. Касаллик белгиларини тўла бартараф этмагунча антибиотикни ичишни тўхтатмаслик керак. Касалликнинг барча белгилари йўқолгандан кейин ҳам дорини энг камиде икки кун ичиш лозим. Антибиотик фақатгина энг зарур ҳолларда ишлатилиши керак. Уларни кўп қабул қилиш инфекцияга қарши курашадиган иммунитетнинг пасайишига олиб келади.

Табиатда ҳеч нарса фойдасиз эмас. Ҳатто фойдасизликнинг ўзи ҳам фойдалидир.


Монтен

Тасаввур қилиб кўринганда, сигирларнинг ўрнига дархатлар ҳам сут бериши мумкинми? «Бўлмаган гап», - дейишингиз мумкин ва ноҳақ бўлиб чиқасиз. Айрим мамлакатларда ҳайвонлардангина эмас, балки ўсимликлардан ҳам сут олишади.

зифи шундаки, ундан сигир суту каби қаймоқ олиш мумкин.

Маҳаллий аҳоли дархат пўстлогини тилиб ундан оқаётган суюқликни идишга йиғиш йўли билан сигир дархатни «соғади». Бир туп дархат бир неча кишига етарли «сут» беради. Бу сутга ав-

Сигир дархати



Ирода ЗИЁЕВА, биология йўналиши 2-босқич талабаси

Марказий ва Жанубий Америкада тутдошлар оиласига мансуб бўлган сутлама дархати ўсади. Венесуэлада эса бундай дархатлар ўрмон ҳосил қилган. Маҳаллий халқ бу дархатни «Сигир дархат» деб атади. Унинг шарбатини маҳаллий аҳоли сут ўрнида истеъмол қилишади. Дархатнинг шарбати сигир сутидек тўйимли ва фойдали, сувга яхши аралашади, чойга ёки қаҳвага қўшганда ивиб қолмайди. Тропик иссиқ ўлка шароитида ҳам бир ҳафтагача сифати бузилмайди. «Сигир дархат» суту сигир суту таъмини эслатади. Аммо ундан долчин ифори келиб туради. Оддий сутдан куюкроқ бўлганлиги учун бироз чўзи-лувчан хусусиятга эга. Ки-

вало сув қўшилади, сўнг эса сузилади. Шундан кейингина ундан фойдаланиш мумкин.

Шундай сутли ўсимликлар бизнинг худудимизда ҳам учрайди. Бу ҳаммамизга, таниш бўлган оддийгина қоқит. Қоқитдошлар (муракжбулдошлар, қашқарғулдошлар) оиласига мансуб бу ўсимликнинг «суту» тўйимли ва озуқабоп эмас. У инсонлар томонидан истеъмол қилинмайди. Ундан поъсини тилиб «сут» ҳам олинмайди. Таркибидаги модда ўсимликни зарарли микробларнинг салбий таъсиридан сақлаб, ўзини-ўзи даволашга хизмат қилади.

Бундан ташқари сутламадошлар оиласининг вакилларида, тутдошлардан анжир, тут ва бошқа ўсимликларда оқиш суюқлик «сут» бор. Улардаги бу «сут» сигир суту таъмини бермайди. Оқ қайин дархати ҳам шу каби «сут» беради. Ундаги шарбат мазали таъмга эга. Бу дархат Тошкентдаги ботаника боғида ўстирилиб кўпайтирилмоқда.

Меърият гулшани

Кўз очган булоқлар

Институтимиз профессор-ўқитувчиларининг вилоятимиз, шу жумладан шахримиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Коллежларда институтдаги ўттиздан зиёд кафедраларнинг филиаллари очилганлиги таълим-тарбиянинг янги имкониятларидан дарак бермоқда. Битирувчи босқич талабаларимизнинг ҳозирги кунларда педагогик амалиётни ўтаётганликлари алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда.

Мен қарийб тўрт йилдирки, ўз танлаган касбим бўйича институтда таълим олаётган бўлсам-да, педагогиканинг асл моҳиятини педагогик амалиётга келгандан сўнг чуқурроқ англадим. Жиззах шаҳридаги ихтисослаштирилган "Умид" мактаб-интернатида дарсдан бўш пайтларда шеърят муҳлислари билан иш олиб бормоқдаман. Мактабнинг

таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларида ҳам шеър машқ қиладиган ўқувчилар бор экан...

"Зиё чашмаси" да мазкур мактабда бўлиб ўтган шеърхонлик кечасида ўқилган шеърлардан намуналар беришни лозим топдик. Шу билан бирга шогирдларимизга ижодий баркамоллик тилаб қоламиз!

**Ирода МУСУРМОнова,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши 4-босқич талабаси**

Баҳор

Осмонларга чечак таққан баҳорсан,
Тулкунчаси, лола қилган баҳорсан,
Майсаларга шабнам сепган баҳорсан,
Ширин ифोर таратган сен, баҳорсан!

Келгин, баҳор – дилмининг шўх қувончи,
Сенсиз ёмғир ёғаринди бир томчи.
Бойчечакнинг япроқларин силаган,
Қушларнинг ва қалдирғочнинг ишончи!

Баҳор келса тоғ ортидан қуёш чиққай,
Чулмоқлар новда қилиб униб чиққай,
Олма, анор, узумларинг куртак очгай,
Сумалақлар қозонларда тўлиб тошгай!
**Наргиза АЛЛАБЕРДИЕВА,
«Умид» мактаб-интернати
9-«В» синф ўқувчиси**

Дунёдаги чексиз бахт

Тўдакни очиблаб сен эркаласан,
Ўша сиймай қувонча тўлар.
Аслида бу қисқа лаҳзалар билсан,
"Дунёдаги чексиз бахт", – деб аталар.
Кимгадир мол-мулкнинг бўлиши ҳам бахт,
Лекин кун ул инсон чакасиз қолар.
Ҳатто унум билан ўтган қисқа вақт,
"Дунёдаги чексиз бахт", – деб аталар.
Азобдан инсоннинг кўзи бўлар нам,
"Бахтсизман" деб ҳайъатдан нолиши бошланар.
Дўстларини, ҳаводан нафас олиши ҳам,
"Дунёдаги чексиз бахт", – деб аталар.
**Шокиста ИСМАТОВА,
«Умид» мактаб-интернати
9-«Б» синф ўқувчиси**

Кечир

Мен сенга бахтни бера олмадим,
Севишимиз аҳдига содиқ қолмадим,
Сен юрган йўллардан мен юролмадим,
Кечир, кечиролсанг мени, севишим.
Боримни бергандим, айирди тақдир,
Бевақт хазон бўлди асраган гулим,
Балки сўзим ҳақдир, балки ноҳақдир,
Кечир, кечиролсанг мени, севишим.

Орзулар рўйбич кўрмади, кўзлар,
Энди саҳроларда севишимиз бўзлар,
Жилмида яради бу кун шу сўзлар,
Кечир, кечиролсанг мени, севишим.

Висол онларини билдик-му армон,
Юзларда суқунат, қалбларда исён,
Енигга қайтмоққа йўқ энди имкон,
Кечир, кечиролсанг мени, севишим.

Тақдир бешафқатдир, жоним, не қилай,
Елбориб йиғлайми? Екида кулай,
Мен сенга бир томчи муҳаббат тилай,
Кечир, кечиролсанг мени, севишим.

Онажон

Онажоним менинг, ягона онам,
Доим овутасиз чекканимда гам,
Маслаҳат берасиз гўё дугонам,
Энди олисдасиз, кўзларимда нам.

Кутардим, кутардим соғиниб сизни,
Мана, ўтиб кетди сизсиз йилларим.
Соғинч аямайди, қийнайди мени,
Сизсиз яшай олмас умр гулларим.

Сизни ёдга солар ширин хотира,
Соғиниб кетдим мен сизни жуда ҳам.
Қалбим чечасиз, сўзлайсиз сира,
Ҳар дам эслагайман кўзларимда нам.

Она ... Тўзал онам, келинг ёнигга,
Эслаб, хотиралаб соғинганимда.
**Мафтуна РАСУЛОВА,
«Умид» мактаб-интернати
9-«В» синф ўқувчиси**

Рози қиламан

Умримиз аста-секин ўтиб борар,
Билсақда-билмасакда биз буни инсон.
Кўрмасам бир кун агар аҳлим қочар,
Мен онамни албатта рози қиламан.

Майлида бойлигим ошиб тошмасин,
Кимгадир ёқсин, кимга ёқмасин.
Ҳар кимга эй Оллоҳ инсофни берсин,
Мен онамни албатта рози қиламан.

Келаётган айрилиққа лаънатлар бўлсин,
Масъумиятинг сезгин эй зоти инсон.
Бошингдаги дуоинг онандан бўлсин,
Мен онамни албатта рози қиламан.

Она-онажоним меъридарёйим,
Меъриниз дарёсидан тинмай ичаман.
Аммо шу дарё тинмасдан аввал,
Мен сизни албатта рози қиламан.
**Баҳодир ТЎХТАМУРОДОВ,
«Умид» мактаб-интернати
8 «А»-синф ўқувчиси**

Сенсиз шоирликни танладим гулим,
Висолинг шөрларда бўлсин бир сўлим,
Менга келгунча бешафқат йим,
Кечир, кечиролсанг мени севишим.

**Дилшодбек УРАЛОВ,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши 2-босқич талабаси**

Соя

Ширин сўзга муҳтождир кўнги,
Мўлтираб қарадим атрофга бу дам.
Поэза кўнги қидирдим,
мурли дилни изладим, аммо ...
Ҳайҳот!
Чур ўрнига турарди,
шайтоннинг сояси,
қочдим.
Тинмайин қочдим,
Кутулай дея бу соялардан.
Тўхтадим,
қарасам, ёнигга турабди соя.
Ўйладим, ҳаёлимнинг соясида ўтириб,
- Ажрар экан, қачон, биздан соялар!

Талабалар билан учрашув



Институт маданият саройида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро Бобур мукофотининг совриндори, буюк ватандошимиз Захирдин Муҳаммад Бобур ва миллат фидойиси, озодлик куйчиси Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон образларининг моҳир ижрочиси Муҳаммадали Абдуқундузов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган «Мен юртимнинг пок истакли кучиман» деб номланган маънавий-маърифий учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбек миллий академик драма театрининг ижодкорларидан Муҳаммадали Абдуқундузов – Ўзбекистон халқ артисти – Тўти Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Шоҳида Исмоилова, Абдураим Абдуваҳобов, актёр ва хонанда Наврўз Жумаевлар иштирок этдилар. Учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди.

Суратда: Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова талабалар даврасида.
Х. НОСИРОВ олган сурат

Меҳр истаган диллар

(Болалар уйидаги мурғаккина қалблар учун)

Маънос кўзлар соғинчдан сўзлар,
Қисматидан ўқиниб бўзлар.
Меҳр истаб меҳр тополмай,
Ўзгаларга дардин айтолмай.
Мақонидан йироқ кетолмай,
Кутар яна, кутади тинмай.
Айрилиқлар бағрини эзар,
Юрагини армонлар безар.
Тополмайин дардига чора,
Яшаб ўтар кўнги бечора.
Мақонидан йироқ кетолмай,
Кутар яна, кутади тинмай.

Армонга айланган сеvgи

Армонларга этманг гирифторм,
Ушасиз ҳам юрагим бедор.
Келармикан дебон шом, саҳар,
Ўтмоқдадир умрим, эй дилдор.
Тулга айтсам юрак арзимни,
Унинг бағри қонга айланди.
Тополмайин дардига чора,
Ҳавлларга кўнги бойланди.
Севиас бўлса мендаги дилни,
Бахтли этсин энди бир гулни.
Вафо тилаб ўзди ул ёрга
Бахти этарман бутун умримни.

**Лобар ТЎХТАЕВА,
педагогика-психология
йўналиши 3-босқич талабаси**

Раслар

Салом, баҳор дедик, шод эди диллар,
Алиги хайр бўлди, тарк этмиш бу дам.
Ёз қанотин ёзиб учиб келмишдир,
У ҳам кетди, бериб, абадий бир гам.

Умр остонасида йиғлаб кирди куз,
Вақт жолми тўлмоқда энди нетартиз.
Қиш албат келар, хоҳламасакда,
Олпоқ қор қўйида бир кун кетартиз.

**Иноятулло АТАМУРОДОВ,
бошланғич таълим ва спорт-
тарбиявий иш йўналиши талабаси**

Чавандозим

Ўзбек элик кўринг дўстлар,
Мардлик унинг пойдевори.
Бахтидан маст қора кўзлар,
Бу мустақилликнинг баҳори.
Чин ўғлонлар юрти шудир,
Бир ёнида ёр-қариндош.
Бир ёнида қорабайир,
Чавандозим бугун қирқ ёш.
Хонадонлари кўп файзли,
"Ақфа" роми бўлмаса ҳам.
Фарзандлари қора мағзли,
Кўзларида кўрмайсиз гам.
Ота-она кўзида нур,
Дуоларин қилмас қанда.
Чавандозим шу боисдан,
Ардоқли доим ватанда.
Самимий дўст ёри бисёр,
Меҳмонини хўп сийлайди.
Чавандозим саҳий инсон,
Меъза бир қўй бўғизлайди.
Дастурхонини тўлдириб,
Ширин суҳбатга чорлайди.
Танни росаям ўлдириб,
Фақат отдан сўз бошлайди.



Тўй қилса-ку бутун юртга,
Ош беради қозон-қозон.
Сўнг кўпқарини бошлайди,
Чавандозим шундай инсон.
Елгон гапни ҳеч гапирмас,
Лафзи ҳалол чавандозим.
Унга адолат бўлса бас,
Эҳ, соддадил чавандозим.
Белдан белбоги тушмайди,
Эски дўпни бошидадир.
Меҳнатин миннат қилмайди,
Мана у эллик ёшдадир.
Набирасига той бериб,
Минган сайин қувонади.
Ҳалолликдан маржон териб,
Бўйнига тизиб қўяди.
Чавандозим шундай инсон,
Ҳеч бир уйга "қуруқ" кирмас.
Доим ёнида 2 та нок,
Меҳри дунёларга сиймас.
Чавандоз олтишидан ошса ҳам,
Бир ёнида қора байир.
Қанча олқиш айтсалар кам,
У "ҳазрати инсон" эрур.
**Камолахон МУҲИДДИНОВА,
бошланғич таълим ва спорт тарбиявий
иш йўналиши 1-босқич талабаси**

ZIYO CHASHMASI

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил
этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институтини.

«SHERDOR PLUS
POLIGRAF»
bosmaxonasiida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Samarqand shahri, 140100.
Ulug' Tursunov ko'chasi, 82-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № 834 Shaki-A-3.